

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кўқон университети
ректори Ш. Мустафакулов

2021 йил _____

АКАДЕМИК БАҲОЛАШ ТАРТИБИ
(Кўқон университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги
10-сон баёни билан тасдиқланган)

КЎҚОН - 2021

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар.....	3
1.1-§. Кўлланиш соҳалари ва шартлари.....	3
1.2-§. Таълимни кредит тизимида баҳолашнинг умумий тартиботлари.....	3
2-боб. Таълимни кредит тизимида баҳолаш билан боғлиқ атамалар.....	4
3-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари.....	6
3.1-§. Назорат турлари.....	6
3.1.1-§. Жорий баҳолаш.....	6
3.1.2-§. Оралиқ имтиҳон.....	7
3.1.3-§. Якуний имтиҳон.....	8
3.2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари.....	10
4-боб. Талабалар билимини баҳолаш кўрсаткичлари.....	12
4.1-§. Ўзлаштириш кўрсаткичи (фоиз)ни йиғиш тартиби.....	12
4.2-§. Ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби.....	12
4.3-§. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш тартиби.....	14
4.4-§. Ўзлаштирилмаган фанларни қайта топшириш тартиби.....	15
5-боб. Якуний қоидалар.....	15

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Қўлланиш соҳалари ва шартлари

1. Мазкур баҳолаш тартиби Кўқон университети (бундан кейинги ўринларда – Университет деб юритилади)га ўқишига қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилади.

2. Ўзлаштириш даражаси олинган билим, қўникма ва малакани баҳолашда қўлланилади. Ўзлаштириш кўрсаткичи юқоридаги омилларни баҳолаш учун асосий мезон ҳисобланади.

3. Ушбу баҳолаш тартиби асосида ўқув режасига мувофиқ тўлиқ ёки қисман ўзлаштириш натижасида битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом ва(ёки) сертификат берилади.

4. Биринчи ўқув машғулотида талабалар мазкур баҳолаш тартиби билан таништирилади.

1.2. Таълимни кредит тизимида баҳолашнинг умумий тартиби

5. Таълимнинг кредит тизими талабанинг аудитория ва мустақил таълимдаги фаолиятини қўллаб-куватлашга йўналтирилган. Кредит тизимида баҳолашнинг шаффоғлиги таъминланади.

6. Таълимнинг кредит тизими асосий афзалликларидан бири – ОТМлараро талаба алмашинувини соддалаштиради. Бу тизимда танлов фанларининг қўплиги иш берувчилар учун рақобатбардош кадрлар тайёрланишини таъминлаб беради.

7. Талаба таълимнинг кредит тизимида муваффақиятли таълим олиши учун қўйидаги талабларни бажариши лозим:

- мустақил ишлиши;
- танқидий, креатив ва таҳлилий фикрлай олиши;
- масъулият ва ўзига ишончнинг юқорилиги;
- аниқ мақсад қўя олиши ва шу мақсад сари мустақил ҳаракатланиши;
- ўзи қизиқсан касб ва мутахассислигидан келиб чиқиб, фанларни тўғри танлаши.

8. Таълимнинг кредит тизимида АРМ (кутубхона)нинг ўрни жуда муҳим. Кутубхона талабага мустақил таълим олиши, тақдимотлар ва лойиҳаларни тайёрлаш учун асосий марказ ҳисобланади. Талаба муваффақиятли таълим олиши учун кутубхона фондидан максимал даражада самарали фойдаланиши зарур.

9. Талаба фанни тўлиқ ёки қисман ўзлаштириши натижасида ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлади. Ўзлаштириш кўрсаткичи кредит тўплаш учун асосий мезон ҳисобланади.

10. Таълим йўналиши ўқув режасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом олиши учун 180-240 кредит (2 GPAдан кам бўлмаган) тўплаши талаб этилади.

11. 1 кредит 30 академик соатга тенг. Ўқув фанидан 50 фоиз ва ундандан ортиқ ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлиши билан юқоридаги мезон асосида кредит тўплайди.

12. Ўқув семестрида 30 кредит қийматга эга ўқув фанлари ўзлаштирилади. Ихтиёрийлик асосида навбатдаги ўқув семестрига қўшимча равишда олдинги ўқув семестрида ўзлаштирилмаган 3 та модул(фан)дан ошмаган ҳолда ўқув фанларини ўзлаштириш мумкин. Бунда, ўқув семестрида кўпи билан 48 кредитгacha қийматга эга фанларни ўзлаштиришга йўл қўйилади.

13. Мазкур мезондан кам кредит тўплаган ва(ёки) умумий кредит баллари 2 GPAдан (180-240 кредит) кам шкалага эга бўлган талабаларга, таълим йўналиши бўйича белгиланган шаклда сертификат тақдим этилади.

2-боб. Таълимни кредит тизимида баҳолашга оид атамалар

14. **GPA (Grade Point Average)** - таълим олувчининг ўқув режа бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати ҳисобланади;

15. **Академик мобиллик** - қабул қилувчи муассасада талабанинг вақтинча таълим олиш даврида синов бирликларини ўзлаштириши ва уларни жўнатувчи муассаса томонидан тан олиниши;

16. **Мобиллик дастури** - таълим тўғрисидаги келишув асосида академик мобиллик даврида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим дастури;

17. **Синов бирликлари (кредитлар)** - таълим олиш натижалари асосида ўқитиш ҳажми ва у билан боғлиқ

мехнат харажатлари. Синов бирликлари қоидага мувофиқ бутун сонларда ифодаланади;

18. Синов бирликларини бериш - малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижалариiga кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга синов бирликларини расмий тақдим этиш жараёни;

19. Синов бирликларини кўчириш (кредит трансфери) - малакага эга бўлиш мақсадида бир таълим муассасаси, таълим дастурида олинган синов бирликларини бошқа таълим муассасасида тан олиш;

20. Синов бирлиги соати - маъруза, лаборатория, семинар, студия ва амалий машғулотлар ҳамда амалиётларнинг 1 академик соати 40 дақиқага тенг;

21. Синов бирликларини тан олиш - бошқа таълим муассасасида эришилган ва баҳоланган таълим олиш натижаларининг Университетдаги мавжуд фан дастурларидан бирининг талабларига жавоб беришини тасдиқлаш;

22. Синов бирликларини тўплаш - таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган бирликларни тўплаш;

23. Таълим олиш натижалари - талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач, ўзлаштирган кўникмалари, топшириқларни тушунтириши ва уларни бажариш қобилиятининг тавсифи;

24. Таълим тўғрисидаги маълумотнома - ўзлаштирилган фанлар, тўпланган синов бирликлари миқдори, олинган баҳолар акс эттириладиган талабанинг академик ўзлаштириши бўйича гувоҳнома;

25. Академик маълумотнома (транскрипт) - таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган синов бирликлари ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

26. Оралиқ имтиҳон - тегишли фандан талabalар билимини маълум муддат оралиғида баҳолаш;

27. Якуний имтиҳон - оралиқ баҳолашдан кейинги ўзлаштирган билимларини баҳолаш тури;

28. Вазифа/топшириқлар - фанларнинг муайян контентини талаба томонидан, ташабbus кўрсатган ҳолда, мустақил бажариладиган фаолиятнинг шакли. Мустақил иш мавзуларини фан ўқитувчиси беради ёки талаба

мустақил фан хусусиятидан келиб чиқиб танлайди;

29. Лойиха – фан ўқитувчиси томонидан муайян талабага ёки талабалар гуруҳига берилган топшириқнинг шакли. Тақдимот-лоиха топшириқларини фан ўқитувчиси беради ёки талаба ва талабалар гуруҳи ўзи танлайди;

30. Имтихон назоратчиси – оралиқ, якуний ва бошқа назорат турларини ўтказища имтихонда қатнашиб, тартибни ва назоратни таъминлашга ёрдам берадиган персонал;

31. Ўзлаштириш қайдномаси – муайян фан бўйича гуруҳнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини акс эттирувчи таълим фаолияти натижаларига оид ҳужжат.

3-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

3.1. Назорат турлари

32. Билимни назорат қилиш турлари қўйидагилардан иборат:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ имтиҳон (ОИ);
- якуний имтиҳон (ЯИ).

33. Жорий баҳолаш 40 баллик, оралиқ имтиҳон ва якуний имтиҳонлар 30 баллик кўрсаткич билан баҳоланади. Ўқув семестри давомидаги ўқув фанининг 100 фоиз ўзлаштириш кўрсаткични 60 фоизини оралиқ ва якуний имтиҳон, 40 фоизини жорий баҳолаш ташкил қиласади.

3.1.1. Жорий баҳолаш

34. Жорий баҳолаш 40 фоизлик кўрсаткич билан баҳоланади. Жорий баҳолаш қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Workshop – 20%;
- Вазифа/топшириқлар – 10%;
- Лойиха – 10%.

35. Workshop бўйича баҳолаш ушбу тартибнинг 4-бобида батафсил берилади.

36. Мустақил иш топшириғи реферат, эссе, индивидуал тақдимотлар, тадқиқот ўтказиш, анкета-сўров, кейс-

стади, тест тузиш, масала тузиш, ўқув лойиҳаларини тайёрлаш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, мақола ва тезисларни ўрганиб, хулосалар ёзиш, илмий монографиялар, ўқув адабиётларини ўрганиш ва хулоса ёзиш, таққослаш, илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислар ва илмий мақолаларни тайёрлаш, интервью ва турли ахборотларни таҳлил қилиш каби шаклларда берилади.

37. Мустақил ишларни баҳолаш ушбу тартибнинг 4-бобида батафсил берилган.

38. Лойиҳа, workshop, педагогик, ижтимоий-иқтисодий, демографик, гуманитар ва сиёсий йўналишлардаги муаммолар, стартап ғоялар ва бошқа шу каби шаклларда берилади.

3.1.2. Оралиқ имтиҳон

39. Оралиқ имтиҳон ўқув семестрининг 8-ҳафтасида бўлиб ўтади. Оралиқ имтиҳон ҳар бир ўқув фанидан бир марта олинади. Ундаги саволлар ўқув семестрининг бошидан 8-ҳафтага қадар ўтказилган ўқув машғулотлар ва берилган топшириқлар асосида ўтказилади.

40. Оралиқ имтиҳонни тақдимот, лойиҳа, ўқув лойиҳа, тест, эссе, кейс-стади, ассесмент, баён ёки уларнинг аралаш варианти ва бошқа турдаги ёзма шаклларда ўтказилишга йўл қўйилади.

41. Оралиқ имтиҳон турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва факультет деканатидаги масъул ходимга назоратга камида 5 кун қолганида кодланган шаклда топширилади.

42. Оралиқ имтиҳон саволлари олдиндан талабаларга берилмайди. Консультацияларда шу каби бошқа саволлар муҳокама қилинади ва оралиқимтиҳон саволларининг конфиденциаллиги деканат ва саволларни тузган профессор-ўқитувчilar томонидан таъминланади.

43. Оралиқ имтиҳонлар факультет деканати томонидан белгиланган график асосида ўтказилади. Факультет деканати ва кафедра оралиқ имтиҳонини ўтказиш учун масъул ҳисобланади. Оралиқ имтиҳонлар марказлашган тартибда ўтказилади. Ўтказиш шакли фаннинг хусусиятидан, моддий-техник базадан келиб чиқиб белгиланади.

44. Оралиқ имтиҳонларни ўтказиш учун факультет деканати томонидан ишчи комиссия ва апелляция комиссияси таркиблари шакллантирилади. Ишчи комиссия таркиби, раис, имтиҳон назоратчиси ва оралиқ

имтиҳонни текширувчи профессор-ўқитувчилардан иборат бўлади. Апелляция комиссияси раис ва аъзолардан таркиб топади.

45. Бир кунда иккита ўқув фанидан оралиқ имтиҳон топширишига имкон берилади.

46. Оралиқ имтиҳонни топшириш учун 2 академик соатдан кам бўлмаган вақт белгиланади. Вақт оралиғи ўқув фани ва топшириқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин.

47. Оралиқ имтиҳон якунланганидан сўнг, Академик ишлар департаменти томонидан назорат топшириқлари шифрланади ва факультет деканатининг масъул ҳодимига топширилади. Масъул ҳодим текширувчи ўқитувчиларга оралиқ имтиҳонни беради. Текширувчи ўқитувчилар энг камида 3 кунда текшириб натижаларни деканатнинг масъул ҳодимига тақдим этади. Назорат ишлари Академик ишлар департаментига топширади. Академик ишлар департаменти шифрланган назорат ишларини идентификация қилиб, 1 кун муддат ичида факультет деканатига топширади. Факультет деканати тегишли ўқув фани ўқитувчилари кўмагида натижаларни талабаларга 3 кун муддат ичида эълон қилиб, эълонлар доскасига ва университетнинг таълим платформасига жойлаштиради.

48. Оралиқ имтиҳоннинг натижалари камида 1 ҳафтада эълон қилинади.

49. Натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб, 2 кунда факультет деканининг номига апелляция бўйича ариза бериш ҳуқуқи мавжуд. Апелляция комиссияси томонидан камида беш кун ичида талабанинг аризаси бўйича назорат иши кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси холосаси муҳокама қилинмайди.

50. Оралиқ имтиҳон белгиланган муддатда топширилмаса (асословчи сабабини кўрсатади), натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб, 24 соат ичида ариза билан мурожаат қиласида. 10 кун ичида тасдиқланган график асосида назоратни қайта топширади.

51. Оралиқ имтиҳонга сабабсиз келмаганлардан қайта олинмайди.

52. Оралиқ имтиҳонни қайта топшириш учун:

- график асосида ўн кунлик муддат оралиғида қайта топшириш лозим;
- қайта топширилган оралиқ имтиҳон бўйича белгиланган тартибда апелляция беришга йўл қўйилади;

– оралиқ имтиҳонни қайта топширишда иштирок этмаганларга бошқа муддатда қайта топшириш ташкил этилмайди ва оралиқ имтиҳондан ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлмайди.

3.1.3. Якуний имтиҳон

53. Якуний имтиҳон тури ўқув семестри ва(ёки) ўқув фани якунида ўтказилади.
54. Якуний имтиҳон ҳар бир ўқув фанидан фақат бир марта олинади. Якуний имтиҳон саволлари ўқув семестри давомида оралиқ имтиҳондан кейинги ўтилган мавзулар ва берилган топшириқларни қамраб олади.
55. Якуний имтиҳон тақдимот, лойиҳа, ўқув лойиҳа, тест, эссе, кейс-стади, ассесмент, баён ёки уларнинг аралаш варианти ва бошқа турдаги ёзма шаклларда ўтказилишга йўл қўйилади.
56. Якуний имтиҳон турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилади ва факультет деканатидаги масъул ходимга назоратга камида ўн кун қолганида вариантларга бўлинган ҳолда кодлаб топширилади.
57. Якуний имтиҳон саволларининг айнан шакли ёки унинг маълум фрагментлари назорат ўтказилишидан ўн кун олдин вариантга бўлинмаган кўринишда талabalарга тайёргарлик кўриш учун берилади.
58. Якуний имтиҳон учун консультациялар ташкил этилади. Консультация жадвали кафедратомонидан ишлаб чиқилади ва эълон қилинади. Якуний имтиҳон саволларининг вариантларга бўлинган охирги шаклиниңг конфеденциаллиги таъминланади. Буни таъминлашга якуний имтиҳон топшириқларини тузган ўқитувчи ва факультет деканатидаги ходимлар масъул ҳисобланади.
59. Якуний имтиҳонлар факультет деканати томонидан тасдиқланган график ва ўқув режа асосида ўтказилади. Факультет деканати ва кафедра якуний имтиҳонни ўтказиш учун масъул ҳисобланади. Якуний имтиҳонлар марказлашган тартибда ўтказилади. Ўтказиш шакли фаннинг хусусиятидан, моддий-техник базадан келиб чиқиб белгиланади.
60. Якуний имтиҳонни ўтказиш учун факультет деканати томонидан ишчи комиссия ва апелляция комиссияси таркиблари шакллантирилади. Ишчи комиссия таркиби, раис, имтиҳон назоратчиси ва якуний имтиҳонни текширувчи профессор-ўқитувчилардан иборат бўлади. Апелляция комиссияси таркиби раис ва аъзолардан

иборат бўлади.

61. Бир кунда иккита ўқув фанидан якуний имтиҳон топширишга йўл қўйилади.
62. Якуний имтиҳонни топшириш учун З академик соатдан кам бўлмаган вақт белгиланади. Вақт оралиғи ўқув фани ва топшириқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин.
63. Якуний имтиҳон якупланганидан сўнг, Академик ишлар департаменти томонидан назорат топшириқлари шифрланади ва факультет деканатининг масъул ходимига топширилади. Масъул ходим текширевчи ўқитувчиларга якуний имтиҳонни беради. Улар 2 ҳафта муддатда текшириб, текширилган, ўзлаштириш кўрсаткичлари қўйилган назорат ишларини деканат ҳодимига, деканат ҳодими Академик ишлар департаментига топширади. Академик ишлар департаменти шифрланган назорат топшириқларини идентификация қилиб, 1 кун муддат ичида факультет деканатига топширади. Факультет деканати тегишли фан ўқитувчилари қўмагида натижаларни талабаларга З кун муддат ичида эълон қилиб, эълонлар доскасига ва университетнинг таълим платформасига жойлаштиради.
64. Якуний имтиҳоннинг натижалари 2 ҳафтада эълон қилинади.
65. Якуний имтиҳоннинг натижасидан қониқмаган талаба, натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб, 3 кун ичида факультет деканининг номига апелляция бўйича ариза бериш хукуқига эга. Апелляция комиссияси томонидан беш кун ичида талабанинг аризаси бўйича якуний имтиҳон иши кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси холосаси муҳокама қилинмайди.
66. Якуний имтиҳон қайта ўтказилмайди.
67. Якуний имтиҳонда сабабсиз иштирок этмаганлардан назорат олинмайди.
68. Якуний имтиҳонга талаба белгиланган муддатда асосли сабаблар билан (асословчи хужжатлар келтиради) иштирок этмаса, қолдирилган якуний имтиҳонини ўн кун ичида топшириш хукуқига эга.
69. Қолдирилган якуний имтиҳонни топшириш учун талаба:
 - График асосида ўн кунлик муддат оралиғида қайта топшириш лозим;
 - қолдирилган якуний имтиҳон бўйича белгиланган тартибда апелляция бериш хукуқига эга;

– қолдирилган якуний имтиҳонда иштирокэтмаганларга бошқа муддатда якуний имтиҳон ташкил этилмайди ва якуний имтиҳондан ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлмайди.

3.2. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

70. Ўқув фани (мавзу) бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўзлаштириш даражасига асосланади.

71. Ўқув фани (мавзу) бўйича билими қуийдаги мезонлар асосида баҳоланади:

– талаба мустақил хulosса ва қарор қабул қилади, ижодий, креатив фикрлай олади, фанлараро (мавзулараро) мантиқий боғланишни тушунади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради, бошқаларга ўргатади ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга деб топилганида 90-100 (баҳо - A+; GPA - 4,5) фоиз;

– талаба мустақил хulosса ва қарор қабул қилади, фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради, бошқаларга ўргатади ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга деб топилганида 80-89 (баҳо - A; GPA - 4,0) фоиз;

– талаба мустақил хulosса қилади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради, ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга деб топилганида 75-79 (баҳо - B+; GPA - 3,5) фоиз;

– талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради, ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма ва билимга эга деб топилганида 70-74 (баҳо - B; GPA - 3,0) фоиз;

– талаба фан (мавзу) бўйича фикри шаклланган, олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма, билимга эга деб топилганида 65-69 (баҳо - C+; GPA - 2,5) фоиз;

– талаба олган билимини амалда қўллай олади, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввур, кўникма, билимга эга деб топилганида 60-64 (баҳо - C;

GPA - 2,0) фоиз;

- талаба олган билимини назарий эгаллаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганида 50-59 (баҳо - D; GPA – 1,0) фоиз;
- талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фан (мавзу)нинг моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганида 0-49 (F; GPA 0) фоиз.

72. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмuni талабанинг қолдиқ билимини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

73. Фанларни ўргатиш бўйича гуруҳ талabalari даражаларга бўлиниши мумкин. Гуруҳ талabalari билими бўйича уч гуруҳга бўлинади. Бунда: “A” даража янги бошловчи талabalар гуруҳи; “B” даража фан бўйича ўртacha билимга эга талabalар гуруҳи; “C” даража фан бўйича юқори билимга эга бўлган талabalар гуруҳи.

74. Инглиз тили фани даражаларга бўлинганида “A” даража “Elementary”, “B” даража “Pre-intermediate” “C” даража “Intermediate”га тенглаштирилади. Академик маълумотнома, ўзлаштириш қайдномаси ва бошқа хужжатларга талабанинг баҳоси қуидагича шаклда кўчирилади: English (Elementary); English (Pre-intermediate); English (Intermediate).

4-боб. Талabalар билимини баҳолаш кўрсаткичлари

4.1. Ўзлаштириш кўрсаткичи (фоиз)нийифиш тартиби

75. Талabalар билимини баҳолаш 100 фоизлик тизимда амалга оширилади ва мазкур ўзлаштириш кўрсаткичи тегишли равишда GPAга трансфер қилинади.

76. Фан учун ажратилган кредитларни тўплашда ўзлаштириш кўрсаткичини тўплаш қуидаги мезони бўйича амалга оширилади.

1-жадвал

Фан бўйича семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичлари тавсифи

Жорий баҳолаш			Оралиқ имтиҳон, ОИ	Якуний имтиҳон, ЯИ	Ўзлаштириш кўрсаткичи, ЎзК
Workshop, W	Лойиҳа, Л	Вазифа / топшириқлар В/Т			
20 %	10 %	10 %	30 %	30 %	100 %

4.2. Ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби

77. **Workshop.** Талабанинг дарсга келиши, машғулотларда фаоллиги ва экспресс тарзда берилган саволларга берган жавоби баҳоланиб борилади.

78. **Лойиҳа иши.** Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, талаба мини гуруҳларга бўлинган ҳолда берилган вазифаларни тақдимот, медиа, ёзма ёки визуал кўранишида ҳимоя қиласди. Гуруҳ аъзолари (команда) уюшган ҳолда педагог-ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажариб келишади. Гуруҳга қўйилган умумий балл, ҳар бир аъзо-талабага қўйилган индивидуал балл сифатида қайд этилади.

79. **Вазифа/топшириқлар.** Ҳар бир талаба индивидул тарзда ўқитувчи томонидан берилган муаммоли вазият, масала, топшириқни Эссе ва ҳисбот (2000 сўздан кам бўлмаган) кўринишида бажаради.

80. Талабалар таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъий назар, Университет томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган қўйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Кредит таълим тизимида баҳолашнинг тавсифи

Баҳо	Фоиз	Шкала
A+	90-100	4.5
A	80-89	4
B+	75-79	3.5
B	70-74	3
C+	65-69	2.5
C	60-64	2
D	50-59	1
F	0-49	0

81. Университетда баҳолаш жараёни халқаро таълим стандартларига асосан амалга оширилади. Шу жумладан, бошқа хорижий ҳамда маҳаллий олий таълим муассасаларининг баҳолаш жараёнига мос келиши, яъни академик мобиллик дастурини таъминлаш мақсадида баҳолаш конвертация қилиш орқали амалга оширилади.

Қўқон университети баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвали

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон ОТМлари баҳолаш тизими	Россия Федерацияси баҳолаш тизими	Европа мамлакатлари синов бирликларини кўчирриб ўтиши ва тўплаш тизими	АКШ баҳолаш тизими (A — Ф)	Булоқ Британия баҳолаш тизими (%)	Япония баҳолаш тизими(%)	Корея Республикаси баҳолаш тизими (%)	2019 йилга қадар ўзбекистон ОТМлари баҳолаш тизими	Қўқон университети	
								A-Ф	%
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 - 100	80 - 100	90 - 100	86 - 100	A+ A	90-100 80-89
			«A»						
			«A-»		65 - 69				

«4»	«4»	«Б»	«Б+»	60 - 64	70 - 79	80 - 89	71 - 85	Б+ Б	75-79				
		«С»	«Б»	50 - 59					70-74				
		«Б-»											
«3»	«3»	«Д»	«С+»	45 - 49	60 - 69	70 - 79	55 - 70	С+ С Д	65-69				
			«С»						60-64				
			«С-»						50-59				
			«Д+»	40 - 44									
			«Д»										
			«Д-»										
«2»	«2»	«Ф»	«Ф»	0 - 39	0 - 59	0 - 59	0 - 54	Ф	0-49				

4.3. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш тартиби

82. Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Гуруҳ журнали ва(ёки) Университетнинг электрон таълим платформасида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) қайд этиб борилади.

83. Профессор-ўқитувчи қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар баҳолаш мустақил таълим шаклида эссе, ассесмент ёки бошқа турдаги ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи натижаларни камида 3 кун ичida Журналга қайд этиши лозим.

84. Талаба жорий, оралиқ ва якуний имтиҳонларни топширишда сабабсиз қатнашмаган ҳолларда “р/й” (рўйхатда йўқ) белгиси ёзиб қўйилади.

85. Журнал тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сақланади. Журналнинг сақланиши учун факультет деканатида масъул ходим белгиланади.

86. Вазифа/топшириқ ва лойиҳа топшириқлари силлабусда белгиланган муддатларда ўтказилиб, уларнинг натижаси камида уч кун ичida Журналнинг тегишли қисмида қайд этиб борилади.

87. Оралиқ имтиҳон ва якуний имтиҳон натижалари узоғи билан 7 иш кунида журналда қайд этилади.

88. Семестр якунида, ўзлаштириш кўрсаткичи жамланаётганда 4.2-§ да келтирилган шакллар асосида Журналнинг тегишли қисмiga ўзлаштириш кўрсаткичлари кўчирилади.

89. Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва хатосиз юритилиши, шунингдек, ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

90. Якуний имтиҳондан олдин тегишли фан ўқитувчиси жорий ва оралиқ имтиҳон бўйича фоизларини ўзлаштириш қайдномасига киритиши шарт.

91. Баҳолаш натижалари кафедра мажлислари, факультет ва Университет Кенгашларида мунтазам равища мухокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

4.4. Ўзлаштирилмаган фанларни қайта топшириш тартиби

92. Талаба 0-49 оралиғида ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлган тақдирда тегишли фандан ўзлаштирилмаган (файл) ҳисобланади.

93. Талаба бир фан машғулотларининг 1/3 қисмини сабабсиз қолдирса, ўқиётган семестрида мазкур фандан ўзлаштирилмаган (файл) ҳисобланади.

94. Фанни ўзлатира олмаган (файл) талабанавбатдаги семестр мобайнида имтиҳонларни қайта топширишга бир маротаба бепул имконият берилади. Ушбу ҳолатда талаба деканат томонидан тасдиқланган вақтда 2 турдаги имтиҳон топширади. Шунда талаба максимал 60 балл (2 шкала) тўплаш имкониятига эга бўлади.

95. Талабанинг ўзлаштира олмаган фанлари сони бир ўқув йили давомида беш ва ундан ортиқ бўлган ҳолатда курсдан-курсга ўтказилмайди.

5-боб. Якуний қоидалар

96. Ушбу тартиб Кўқон университетида таълимни кредит тизимида баҳолаш жараёнларини тартибга солади.

97. Тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Кўқон университети Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Келишилди:

Академик ишлар бўйича проректор
О.Шералиев

Академик ишлар департаменти бошлиғи
Ш.Рўзиев

Таълим кафедраси мудири
А.Исламов

Бизнес ва таълим факультети декани
Ж.Турғунов

Бизнес кафедраси мудири
Ф.Мулайдинов

Жаҳон тиллари кафедраси мудири
Н.Шарафутдинов